

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

---

**УЛУҒХОЖАЕВ РЎЗИХЎЖА СОЛИЕВИЧ**

**КЕСИШ ВА ПЛАСТИК ДЕФОРМАЦИЯЛАШ БИЛАН МЕХАНИК  
ИШЛОВ БЕРИШНИНГ АНИҚЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ ВА  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

**05.02.05 – Механик ва физик-техник ишлов бериш технологиялари ва  
жараёнлари. Дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**УДК 621.1474**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам  
Content of the abstract of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Улуғхожаев Рўзихўжа Солиевич**

Кесиш ва пластик деформациялаш билан механик ишлов беришнинг  
аниқлигини таххислаш ва назорат қилиш..... 3

**Улуғхожаев Рузихужа Солиевич**

Диагностика и контроль точности механической обработки резанием и  
пластической деформацией..... 25

**Ulugkhojayev Ruzkhuja Soliyevich**

Diagnostics and control of the accuracy of cutting and plastic deformation  
.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works. .... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

---

**УЛУҒХОЖАЕВ РЎЗИХЎЖА СОЛИЕВИЧ**

**КЕСИШ ВА ПЛАСТИК ДЕФОРМАЦИЯЛАШ БИЛАН МЕХАНИК  
ИШЛОВ БЕРИШНИНГ АНИҚЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ ВА  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

**05.02.05 – Механик ва физик-техник ишлов бериш технологиялари ва  
жараёнлари. Дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (Doctor of philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1 PhD/12101 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ferpi.uz](http://www.ferpi.uz)) ва “Ziyonet” ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Файзиматов Шухрат Нуманович**  
техника фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Кенжабоев Шукржон Шарипович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Пулатов Тохир Рустамбекович**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Навоий давлат кончилик институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/12.2019.T.03.04 рақамли илмий кенга асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил “05” ноябр соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-06-00 факс: (371) 227-10-32, t-mail: [tstu\\_info@edu.uz](mailto:tstu_info@edu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (224 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2021 йил “19” октябр куни тарқатилди.  
(2021 йил “19” октябрдаги 127 рақамли реестр баённомаси).

**К.А. Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
Кенгаш асосидаги бир марталик  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Н.Д. Тураходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
Кенгаш асосидаги бир марталик  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**А.А. Мухитдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш асосида тузилган илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинарнинг  
раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация ишининг зарурати ва долзарблиги.** Жаҳонда машинасозлик деталларининг сифати яхшилаш, хизмат муддати ва аниқлигини ошириш ҳамда юза тозаллигини таъминлаш учун деталларга кесиб ишлов бериш технологиясини бошқариш ҳамда назорат қилишни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида кесиш асосида деталларга механик ишлов беришда маҳсулот аниқлигини оширишда виброакустик сигнал ёрдамида ясалаётган деталнинг назорат қилишни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Англия, Германия, Россия, Япония ва бошқа давлатларнинг илмий-тадқиқот марказларида детал юзаларига ишлов беришда ишлов берилаётган детал юзаларининг аниқлик кўрсаткичларини оширишни таъминлайдиган виброакустик сигнал асосида назорат қилиш технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда метал кесиш дастгоҳларида деталларга механик ишлов беришда ишлов берилаётган юзаларнинг аниқлигини ошириш бўйича прогрессив технологияларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, замонавий, юқори унумдор РДБ дастгоҳлари учун кесиш маромларини белгилаш, технологик жараёни оптималлаштириш ва деталларга ишлов беришдаги хатоликларни камайтириш ҳамда асосий технологик омилларни бошқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда деталларининг аниқлигини ва сифат кўрсаткичларини таъминлаш учун машинасозлик деталларига кесиб ишлов беришда маҳсулот аниқлигини ташхислаш ва ишлов бериш жараёнини назорат қилиш, деформацияга учраган юзаларни хизмат муддатларини узайтириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, металл кесувчи дастгоҳларда кесиш жараёнини ташхис қилиш асосида деталларнинг юза сифатини таъминлаш ва кескичларнинг хизмат муддатини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё олимлари томонидан деталларга ишлов бериш аниқлигини ошириш, назорат қилиш ва ташхислаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Деталларга ишлов бериш аниқлигини таъминлаш бўйича Россиялик олимлар, жумладан профессор Б.С.Балакшин технологик тизимдаги эластик сижилларни бошқариш билан ишлов берилаётган юзанининг ўлчам аниқлигини таъминлашга эришган. В.Н. Подураев ва М.М. Аршанский кесувчи асбобни ейилишини назорат қилувчи, ейилиш чегарасини аниқлаш усулини ишлаб чиқишган. Ишлов бериш аниқлигини назорат қилиш ва ташхислаш бўйича В. А. Остафьев, В. С. Антонюк актив назорат қилишнинг виброакустик ва индукцион усулларида фойдаланиб кесувчи асбобни ейилишини ва ишдан чиқишини ташхислаш усулини ишлаб чиқишган. Ўзбек олими Н.А.Мўминов дастгоҳларда деталларга ишлов бериш аниқлигини ошириш бўйича илмий ишларида Б.С.Балакшинни ишини давом эттирган, К.Г.Махмудов ва А.А.Мирзаевлар виброакустик сигналлар ёрдамида деталларга ишлов бериш жараёнини назорат қилиш усулини ишлаб чиқишган.

Ишлов бериш жараёнини мақбуллаштириш масаласини ҳал қилишнинг турли йўналишларида етакчи олимлар: Б.С.Балакшин, В.Ф.Безязичний, В.Ф.Бобров, С.Ф.Глебов, А. Д. Макаров, В. И. Новожилов, В. Н. Подураев, С. С. Силина, Ю. М. Соломенцев, В. К. Старков, Н. В. Талантов, Г. Г. Иноземцева (Россия), Г.К.Горанский, В.Л.Заковоротний (Белоруссия), Т. Н. Лоладзе (Грузия), В. А. Остафьев, В. С. Антонюк (Украина), Ф. Я. Якубов, К.Г.Махмудов, А.А.Мирзаев (Ўзбекистон), Liang, S.Y. (АҚШ)Moriwaki, Т. А. Shinozuka, J(Япония) ва бошқалар ишлов бериш аниқлигини ташхис қилиш усулини ишлаб чиқишган.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг ГНТП-20 «Разработка современных информационных систем, средств управления, баз данных и программных продуктов, обеспечивающих широкое развитие информационных и телекоммуникационных технологий», (2000-2005 йиллар) мавзусидаги давлат илмий тадқиқот лойихаси асосида ва ОТ-Ф5-005 «Разработка высокопроизводительных конкурентоспособных технологий процесса механической обработки на основе создания наукоёмких методов и средств измерений, диагностики и контроля» (2005-2010йиллар) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кесиш ва пластик деформациялаш жараёнидаги физик-механик ҳодисаларнинг ўзгариш механизми билан маҳсулотларнинг

аниқлик ва сифат кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни бошқариш тизимини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

механик ишлов бериш жараёнидаги физик-механик ҳодисаларни деталнинг аниқлик ва сифат кўрсаткичларига таъсирининг математик моделини яратиш;

кесиш ва пластик деформациялаш жараёнининг параметрларини юзанинг сифатига ва деталнинг аниқлигига таъсирини ўрганиш;

механик ишлов беришда детални аниқлигини бошқариш тизимини синтез қилиш ва моделини яратиш;

пластик деформациялашда детални аниқлигини диагностика қилишнинг янги усулини яратиш ва алгоритмининг тузиш;

виброакустик сигнал ёрдамида кесувчи асбобнинг турғунлик даврини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

конструкция материалларни механик ишлов берилувчанлигининг ва кесувчи асбобнинг ейилиш мезонларининг аниқлашнинг содда ва универсал усулини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 25, 50, 40X, 45X, X18H10T маркали пўлатлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** дастгоҳ сарфлаётган самарали қувват, кесиш кучларинг ташкил этувчилари, механик ишлов беришда ҳосил бўлаётган виброакустик сигналлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда назарий ва экспериментал тадқиқотлар, алгоритмлар тузиш усуллари ва ҳисоблаш дастурлари, тебранишлар назарияси ва виброакустика, математик моделлаш, бошқариш, дастгоҳлар динамикаси назарияси ҳамда дифференциал тенгламаларни ечиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ишлов берилаётган юза қатламидаги нотекикликлар сабабли виброакустик сигналларда бўладиган ўзгаришлар асосида механик ишлов бериш жараёнининг кўрсаткичларини аниқлаб берувчи усул ишлаб чиқилган;

деталларга кесиб ишлов бериш қуввати қийматларининг ўзгариш динамикаси асосида деталга ишлов бериш аниқлигини бошқариш дастури ишлаб чиқилган;

сигналнинг сўниш амплитудаси кўрсаткичлари қийматларининг ўзгариш интенсивлиги асосида кесувчи асбобнинг турғунлик даврини виброакустик сигнал ёрдамида аниқлаш усули яратилган;

виброакустик сигналлардаги ҳосил бўлган зўриқиш кучлари ҳақидаги маълумотларга боғланган графиклар асосида технологик тизимнинг хусусиятлари, модел қийматларининг динамикасини аниқлаш алгоритми ва кесиш маъромларини танлаш усули ишлаб чиқилган;

деформацияланган қисмдаги қолдиқ кучларнинг характери асосида пластик деформациялашда детални аниқлигини диагностика қилишнинг ва бошқариш дастури ёрдамида узлуксиз технологик жараённи назорат қилишни таъминлайдиган технология яратилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

кесиш қувватини бошқариш билан ишлов бериш аниқликни таъминлаш дастури ишлаб чиқилган;

кесувчи асбобнинг турғунлигини аниқлашнинг вақт ва харажатнинг минимал сарфини таъминловчи тезкор усули ишлаб чиқилган;

универсал ва РДБ дастгоҳларда кесувчи асбобни назорат қилувчи қурилмаси ишлаб чиқилган;

деталнинг аниқлигини технологик тизимнинг бикрлигига боғлиқ ҳолда мақбул кесиш маъромлари орқали бошқариш дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва амалий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган кесиш ва пластик деформациялаш билан механик ишлов беришнинг аниқлигини ташхислаш ва назорат қилиш учун тажрибалар натижаларининг ижобийлиги, назарий ва амалий натижаларнинг мутаносиб келиши, умумий эътироф этилган илмий ғояларга мослиги билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти РДБ дастгоҳларида ишлов беришда параллел назорат усулидан фойдаланиш ва ишлов бериш жараёнидаги бўлаётган физик ходисалар асосида ташхислаш ва башорат қилиш билан ишлов бериш аниқлиги ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мақбул кесиш маъромларини математик моделлари автоматик равишда олиниши, ишлов берилётган материалнинг механик хоссаларини ўзгариши билан кесиш маъромлари мос равишда автоматик соzlаниши ва деталга оптимал кесиш маъромларида ишлов берилиши, деталнинг талаб этилган аниқлигини ишончли таъминланиши билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Кесиш ва пластик деформациялаш билан механик ишлов беришнинг аниқлигини ташхислаш ва назорат қилиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар бўйича олинган натижалар асосида:

-виброакустик сигнал ёрдамида ишлов бериш жараёнининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усули Навоий кон-металлургия комбинати қошидаги Навоий машинасозлик заводи корхонасига ишлов бериш жараёнини назорат қилиш учун жорий қилинган ("Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг 2019 йил 28октябрь 02-06-04/13689-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқариш унумдорлиги 1,2- 1,4 мартага ошган;

-деталга токарлик ишлов беришда аниқлигини бошқариш дастури Навоий кон-металлургия комбинати қошидаги Навоий машинасозлик заводи корхонасига жорий қилинган ("Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг 2019 йил 28октябрь 02-06-04/13689-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқаришдаги брак маҳсулот чиқиши 40-50% га камайган;

-виброакустик сигнал ёрдамида кесувчи асбобнинг турғунлик даврини топиш усули Навоий кон-металлургия комбинати қошидаги Навоий машинасозлик заводи корхонасига жорий қилинган ("Навоий кон-металлургия



комбинати" давлат корхонасининг 2019 йил 28октябрь 02-06-04/13689-сон маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 77та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шулардан 6 та республика, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

**Кириш** қисмида мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, ишнинг апробацияси натижалари, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кесиш жараёнини назорат қилиш ва ташхислашнинг аналитик таҳлили”** деб номланган биринчи боби техник ташхислашни динамик усуллари қўллашнинг технологик жараён сифатини микдорий баҳолаш усуллари таҳлил қилишга бағишланган. Техник ташхислашдаги қурилмалар ва техник ташхислашни усуллари таҳлил қилинган Кесувчи асбобнинг кесиш пайтида ҳолатини мониторинг қилишнинг мавжуд усуллари кўриб чиқилган. Юзаларга пластик деформациялаш билан ишлов беришни тадқиқотлаш ва ташхислашнинг акустик усули таҳлил қилинган. Вибрацияли ва виброакустик ташхислаш усуллари баҳоланган. Кесиш кучини ўлчашга асосланган диагностика усули таҳлил қилинган. Метал кесиш дастгоҳи электродвигателида сарфланадиган қувватни ўлчашга асосланган диагностика усули кўриб чиқилган. Токарлик ишлов беришнинг аниқлигини ошириш усуллари ва воситаларини таҳлил қилинган.

Таҳлил натижаларига кўра, стационар бўлмаган кесиш жараёни шароитида, катта ҳажмдаги материалларни қайта ишлашда ва тизим ишлашига юқори талаблар қўйилганда, энг мақбул усул виброакустик сигнални ўлчашга асосланиши кўрсатилди. Шу билан бирга кесиш кучларини аниқлашнинг эффектив қувватга боғлиқ холда топиш усули энг яхши истиқболли усул сифатида кўриб чиқилиши кўрсатилди.

Диссертациянинг “Тоза йўниш жараёнининг модели” деб номланган иккинчи бобида кесиш жараёнида хатоликларни хосил бўлишини физикавий асослари қонунияти назарий жиҳатдан ўрганилган.

Тоза йўниб ишлов беришнинг ўзига хос шароитларига қараб  $S, V, t$  тегишли параметрларни танлаш  $\vec{\delta}$  қийматига сезиларли таъсир қилади.

Таҷрибалар натижасига кўра, токарлик ишлов беришда шундай тезликлар мавжуд бўлиб, улар минимал ейилиш билан бирга, кесиш кучларининг минимал қиймати ва ишлов бериладиган сиртнинг максимал тозалиги кузатилади. Кесиш жараёнида оптимал тезликдан пастки ва ундан юқори тезликларга оғиш кесиш кучларининг кўпайишига, кесувчи асбобнинг ейилишни ортишига ва ишлов берилган юзани сифати ёмонлашишига олиб келди. Ушбу ҳодисаларни таҳлил қилиш натижасида биз берилган  $S$  ва  $t$  параметрлар ва кесувчи асбобнинг маълум бир геометрияси учун  $v_0$  тезлиги мавжуд бўлиб, шу шароитда кесиш жараёнида юзага келадиган хатолар минимал бўлади.

Ишлаётганда, кесиш кучларининг минимал қиймати ва кесувчи асбобнинг минимал ейилиши билан юзага келадиган хатоларнинг минимал қийматини таъминлаймиз. Кўрсатилган нуқтада кесиш кучлари натижасида хосил бўлувчи технологик тизимнинг деформацияси ҳам минимал бўлади ва кесувчи асбобнинг  $h_r$  радиал ейилиши натижасида хосил бўлувчи хатолик ҳам минимал бўлади. Кесиш жараёнининг умумий ишлов бериш хатоси  $\vec{\delta}$  га кесиш жараёнининг хатосини улушини  $\vec{\delta}^*$  билан белгиланади ва юқорида айтилганларга кўра  $\vec{\delta}^*(s, v, t, \alpha)$ , функцияси минимал бўлади, бу ерда:  $\alpha$  – кесувчи асбоб материали ва унинг геометрик параметрларини тавсифловчи қиймат.

$$\frac{\partial \vec{\delta}^*}{\partial s} = 0; \frac{\partial \vec{\delta}^*}{\partial v} = 0; \frac{\partial \vec{\delta}^*}{\partial t} = 0; \frac{\partial \vec{\delta}^*}{\partial \alpha} = 0 \quad (1)$$

$\vec{\delta}^*$  маълум бир параметр учун ҳосиласи нолга тенг ва қолган параметрлар доимий бўлса, ушбу параметрга нисбатан минимал бўлади.

Кесиш жараёнида хосил бўлувчи хатоликлар вектор шаклида ифодаланади.

$$\vec{\delta} = \vec{\delta}^* + \vec{\delta}_T + \vec{\delta}_H + \vec{\delta}^0 + \vec{\delta}_M \quad (2)$$

Бу ерда:  $\vec{\delta}^*$  – кесиш жараёнининг хатоси,  $\vec{\delta}_T$  – ҳароратнинг кўтарилишига боғлиқ хатолик,  $\vec{\delta}_H$  – кескични радиал ейилиш хатолиги,  $\vec{\delta}^0$  – дастгоҳ хатолиги,  $\vec{\delta}_M$  – заготовка ва кесувчи асбоб материалларининг физик хусусиятларини ҳисобга олувчи хатолик.

Тоза йўниш жараёнини энергетик модели кесиш зонасида юз берувчи физик ҳодисаларни таҳлил қилиш асосида тузилган.

Кесиш жараёнида хосил бўлувчи дислокациянинг хатти-ҳаракатларини тавсифлаш учун биз Франкел ва Конторова томонидан тавсия этилган моделдан фойдаланамиз.

Франкел ва Конторово моделида атомлар  $X$  ўқи бўйлаб ҳаракатланади ва уларга таъсир қиладиган барча кучлар ҳам бу ўқга параллел. Кристалл

панжарасидаги  $n$ - атомнинг ҳаракат тенгламаси, занжирдаги қўшни атомлар ўртасидаги ўзаро таъсир кучи силжишга боғлиқлигини ва бу ибора билан таърифланганлигини кўрамиз.

$$f_n(\tau) = k(y_{n+1} - y_n) - k(y_n - y_{n-1}) \quad (3)$$

$$\text{бу ерда: } y_n(\tau) = x_n(\tau) - na \quad (4)$$

$a$ - атомлар орасидаги масофа;

$x_n(\tau)$ -  $n$ - атомнинг координатаси;

$$y_{n+1} = y_n(\tau - \Delta\tau) \quad (a) \quad (5)$$

$$y_{n+1} = y_n(\tau + \Delta\tau) \quad (b)$$

$\Delta\tau$ - кечикиш вақти;

$k$ - занжирдаги атомлар орасидаги куч ўзаро таъсирининг доимийлиги ва пастки қаватдаги атомлар

$$f(x) = -f_0 \sin\left(\frac{2\pi x}{a}\right) \quad (6)$$

га тенг бўлган  $f(x)$  куч билан юқори занжирдаги атомларга таъсир қилади.

Агар атомнинг мувозанат позициясидан силжиши (2.4) формуласи билан белгиланишини ҳисобга олсак,

$$f(x_n) = -f_0 \sin\left(\frac{2\pi y_n}{a}\right), \quad (7)$$

Кейин  $n$ - атомнинг ҳаракат тенгламаси ҳосил бўлади

$$m\ddot{y}_n = -f_0 \sin\left(\frac{2\pi y_n}{a}\right) + k(y_{n+1} - 2y_n + y_{n-1}), \quad (8)$$

бу эрда:  $m$ - атомнинг массаси.

Олинган (8) тенглама Франкело - Конторова дислокация моделига мос келади. Ушбу тенгламанинг ечими ҳаракатланувчи дислокацияни тавсифлайди. Бир қанча ўзгартиришлардан кегин қуйидаги ифодани оламиз

$$\ddot{u} - u'' + \sin u = 0, \quad (9)$$


(9) тенгламанинг ечилиши шакллари таҳлил қилинганда солитонларни асосий хоссаси - идеал муҳитда узлуксиз яқинлашишда дислокацияланиши аниқланди. Биринчидан, солитоннинг тезлиги унинг энергия тенгламаси билан аниқланади. Иккинчидан, битта солитоннинг бошқаси билан ўзаро таъсири пайтида уларнинг шакли ва шу билан уларнинг энергиялари ўзгармайди, улар фақат силжишга учрайди; тезроғи олдинга, секинроғи орқага. Учинчидан, солитон ва антисолитон маълум шароитларда боғланган ҳолатни ҳосил қилиши мумкин. Олинган ечим узлуксиз яқинлашув билан идеал ишни англатади. (9) тенглама ечимларини ойдинлаштириш учун адабиётда Тода занжири деб аталадиган ва форманинг дифференциал - фарқ тенгламалари тизими билан тавсифланган идеал бир ўлчамли атомларнинг занжирини кўриб чиқамиз ва қуйидаги тенгликни оламиз.

$$\frac{d^2 x_n}{d\tau^2} = e^{x_{n+1} - x_n} - e^{x_n - x_{n-1}} \quad (10)$$

бу эрда:  $x_n$ - атомнинг панжарасига координатаси.

Юқорида келтирилган (9) ва (10) тенгламаларнинг солитон ечимларини, шунингдек, солитон ғалаён назариясини ҳисобга олган ҳолда, кесиш кучларининг ўзгариши жараёнини қуйидагича аниқлаштириш мумкин. Агар дислокация тезлиги дон чегараларида дислокацияни ушлаб туриш тезлигидан

фарқ қиладиган бўлса, унда кесиш кучлари ушлаб туриш тезлигига тенг тезликда кузатиладиган кучларга қараганда катта бўлади. Бу ерда шундай ҳодиса юзага келадики, ушлаб туриш тезлигидан каттароқ тезликда дислокация доннинг ичида кечикади, шунда бузулиш дон чегаралари бўйлаб ўтмайди, лекин унинг ичида материал бузулмагунча энергия кучаймаган ҳолатда бўлади. Уни бу ҳолатга келтириш учун қўшимча  $\Delta u$  энергия сарфи талаб қилинади, бу эса кесиш кучларининг кўпайишига олиб келади. Иккинчи ҳолда, агар тезлик пастроқ бўлса, унда дислокация потенциал тўсиқ билан акс этади ва бузулиш жараёни дон чегаралари бўйлаб ўтмайди, аммо тасодифий ҳарактерга эга бўлади. Бузулиш жараёни сакрашга ўхшаш ҳолга айланади, чунки ўзини бузуш учун энергия тўпланиб боради ва хол яна қайтарилади.




1-расм. Синтез қилинган математик моделлар асосида кесиш тезлигини ҳисоблаш алгоритми

Олинган натижаларни таҳлил қилар эканмиз, айтишимиз мумкинки (9) ва (10) тенгламаларнинг солитон ечими аниқ шароитларда дислокация хатти-ҳаракатларини аниқлашга имкон беради, натижаларни намоиш қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.


Математик моделлар учун аргументларни гуруҳли ҳисобга олиш усули (АГҲОУ) ишлатилган

Диссертациянинг “Механик ишлов беришнинг аниқлигини тасхислаш ва назорат қилиш учун тажриба тадқиқотлари” деб номланган учинчи бобида Технологик тизимнинг ишлов бериш аниқлигига боғлиқлиги бўйича математик модели ишлаб чиқилган.



2-расм. Кескичнинг  $U_2$  ейилишига токарлик дастгоҳи бикрлиги  $J$  нинг таъсири. Материал пўлат 40x;  $V=120$  м/мин;  $S=0.2$  мм/айл;  $t=1$  мм;

Графикдан кўришиб турибдики дастгоҳни бикрлигини ошиши титрашни озайишига ва кесувчи асбобнинг ейилишини камайишига олиб келади




3-расм. Виброакустик сигналнинг бошланғич пайтдаги амплитудасини деталга механик ишлов беришдаги хатолик миқдорига таъсири графиги.


1-тажрибада олинган натижа; 2-ҳисоблаш билан олинган натижа: Материал пўлат 40x;  $V=120$  м/мин;  $S=0.2$  мм/айл;  $t=1$  мм;



4-расм. Олинган виброакустик сигналларни Power Graph3.31 дастурида таҳлил қилиш натижаси. 40x,  $V = 120$  м / мин,  $S = 0,2$  мм / об / мин,  $t = 1$  мм



5-расм. Виброакустик сигнални гистограмаси. 40x,  $V = 120$  м / мин,  $S = 0,2$  мм / об / мин,  $t = 1$  мм




6-расм. Технологик тизимнинг бикрлиги бўйича хатосини аниқлаш

алгоритми

Эффектив кесиш қуввати бўйича машина деталарига механик ишлов бериш жараёнини бошқариш учун тажрибалар ўтказилди. Тажрибаларда 25Х, 50Х, 45Х, пўлатлардан фойдаланилган.

Олинган натижалар аргументларини гуруҳини ҳисоблаш алгоритмлари ёрдамида қайта ишланди, натижа  $N_e$  эффектив кесиш қувватини математик модели олинди.



7- расм.  $N_e$  эффектив кувватни буйланма суришга боғлиқлиги.

$t=0.15\text{мм}$ ;  $v=102\text{м/дақ}$ ;  $HВ=156-265$ ;


Олинган математик моделлардан энг яхши натижа кўрсатганини ажратилиб олинди.

$$N_e = 730605 \times 1,134 \gamma - 55,004 \gamma / N_B - 72,932 \text{ Вт} \quad (11)$$

$N_B = 156 - 265$  бўлган конструкцион пўлатлар учун ва кесиш


маромлари  $S = 0,025 - 0,125$  мм/айл;  $t = 0,1 - 0,3$  мм ;

$V = 1, 7 - 4, 2$  м/с бўлганда 5% аниқликликда бўлади.



8-расм. Кесиш кучларини автоматик бошқариш алгоритми

Диссертациянинг “Тоза йўниш жараёнида хатоларни экспериментал тадқиқот қилиш усули ва натижалари” деб номланган тўртинчи бобда юриткичлардаги сарфланаётган қувватнинг ўзгаришини кесиш жараёни боришига боғлиқлиги тадқиқот қилиш учун қурилманинг блок схемаси кўрсатилган тажриба қурилмасида тадқиқотларини қилиш усули ва натижалари кўрсатилган.



9-расм. Қувват кўрсаткичларини ўлчаш ва қайта ишлаш блок схемаси.

- 1-асосий юриткич электродвигатель;
- 2- ток датчик; 3-детектор;
- 4-чегараловчи; 5-интегратор;
- 6-дифференциаллаш; 7-ЭХМ;
- 8-тристорли юритгич; 9-ваттметр

Кесиш жараёнинин назорат тизимини ишлаб чиқиш мақсадида яратилган курилма ёрдамида тажриба тадқиқотлари ўтказилди. Бу курилма 16А20Ф3 моделдаги РДБ дастгоҳига ўрнатилган.(9- расм.) Ўлчов курилмаси прибор ва курилмалар комплексидан иборат. Улар кесиш жараёни бораётганда қувватни ўзгарувчи ташкил қилувчиларини ўлчаш ва белгилаш имкониятини беради. Доимий ташкил қилувчиларнинг сигнали даражаси қувватни абсолют қийматиغا мос келади (ўша моментдаги). Кесиш шароитини ўзгариши билан пайдо бўлувчи барча четланишлар сигнални ўзгарувчи ташкил этувчисида акс этади. Бизнинг ҳолатда асосий юритгич сифатида ўзгармас ток электродвигатели ишлатилган бу электродвигателлар роторни инерция моментини озлиги ва юқори юкланишга чидамлилиги билан характерланади. Тристорли бошқариш тез ҳаракат қилишига бошқаришни ва электро двигател ФИКини ошириш имкониятини беради.


Курилма қуйидаги тартибда ишлайди. Асосий юритгич 1 электродвигатели ишлатаётган қувватни ўлчаш 2 ток датчиги ёрдамида бажарилади. Ток датчиги трансформатор кўринишида бўлиб, уни бирламчи ўрамлари двигател юқори занжирга кетма – кет уланган. Трансформаторни иккиламчи ўрамлари (ток датчиги) билан бош юритгич электродвигатели якеридаги пропорционал ток кучланиши қабул қилинади. Тристор билан бошқариш двигатели ўзгармас ток электродвигателларида кучланиш доимий ва 380 В га тенг. Шундай қилиб асосий юритгич электродвигателидаги қувватни ўзгариши якордаги токни ўзгаришига пропорционал бўлади. Сигнал иккита ток датчигидан 3 детекторга узатилади. У ерда керакли сигнал тўғриланиб 4 ограничителга узатилади. 4 ограничителни вазифаси 5 интеграторни кириш занжирини ҳимоялаш бўлиб дастгоҳни юргизгандаги ва ўчиргандаги кучланишни чегаралашдан иборат. 5 интеграторда сигнал филтрланади ва текисланади, доимий ташкил этувчиларга ажратилади. Бу ташкил этувчилар дастгоҳ асосий юритгичи двигатели сарфлаган қувватиға пропорционал бўлади. Сигнални ўзгарувчи ташкил этувчиларини ажратиш мақсадида олтинчи блокда қувватни интеграл характеристикаси дифференциалланади. Қувватни ўзгарувчи ва ўзгармас (интеграл) ташкил этувчилари сигналлари ЭХМ ёрдамида аниқланади. Шу билан параллел равишда ваттметр билан қувватни абсолют қиймати ҳам ўлчаниб борилади. Тажрибаларни ўтказишда кесиш маромлари қуйидаги чегараларда ўзгартирилди: кесиш тезлиги  $V \in [0.8; 4.1]$  м/сек, суриш  $S \in [0.025; 0.135]$  мм /айл; кесиш чуқурлиги  $t \in [0.05; 0.5]$  мм. Кесувчи асбоб сифатида Т15К6 қаттиқ қотишмали пластинка ўрнатилган ўтувчи кескичдан фойдаланилади. Кесувчи асбобни геометрияси:  $\gamma=8^\circ$ ,  $\alpha=9^\circ$ ,  $\varphi = \varphi_1=45^\circ$ ,  $\lambda = 0^\circ$ .; Ишлов берувчи материал сифатида пўлат 45, 40Х, 45Х, Х18Н10Т, 30ХГСА, Ст 25 пўлатлар, ишлатилди. Қиррани орқасидаги ейилиш майдони ММИ-2 асбобсозлик микроскопи билан ўлчанди.

Шундай қилиб асосий юритгич электродвигателни истеъмол қилаётган қувватини ўзгармас ва ўзгарувчан ташкил этувчиларини кесиш жараёнида ўлчаш билан технологик системани назорат қилиш, кесувчи асбобни ейилишини метал қирқиш дастгоҳини ортиқча юклашини назорат қилишимиз



мумкин. Бу эса деталларига механик ишлов бериш жараёнларини бошқариш тизимини яратиш учун бу сигнални яроқлилигини кўрсатади.

Материалларни кесишда туташиш юзалари кўпдан кўп алоҳида олинган ва кўриб чиқилиши зарур бўлган нуқталарни содир этади. Бу нуқталар биринчи энергетик ҳолатни ўзгарувчилари бўлиб виброакустик сигналларни (ВАС) қўзғатувчиси ҳамдир.




10-расм. Электрон ўлчов аппарати схемаси.

Бу ерда: 1-пъезоэлемент датчик; 2-стабилизаторон; 3-фильтр; 4- АСУ; 5-ЭХМ; 6-маълумотни чиқариш қурилмаси.



ВАС ни ўлчаб олиш учун махсус стандарт саноат датчикларидан фойдаланилади. Бу датчик кесувчи асбобни тутгичига ўрнатилади. Кесувчи асбобни ҳолатини ва кесиш жараёнини назорат қилиш учун маълумот кесиш кучи ва қувватидан иборат ҳолатда қабул қилинади. Бу маълумотлар умумий кўринишда бўлиб улардан кераклигини ажратиб олинади ва бунинг учун махсус аппарат зарур.

Ўлчаш PeakTech 1240 маркали 2 каналли сонли оциллограф ёрдамида амалга оширилади. Ахборотли параметрлар қайд қилиши кесиш кучларини ташкил этувчилари  $P_z$ ,  $P_x$ ,  $P_y$  кучларининг самарали қуввати  $N_p$ , ВАС амплитудаси.



11-расм. ВАС ни ўлчаш қурилмаси.

Кесиш жараёнида ҳосил бўлаётган виброакустик сигналларнинг амплитудасини билан ишлов бериш аниқлиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланди.




а)


б)

12-расм. Кесиш чуқурлиги ўзгариши билан  $V-U$  ни ўзгариши.  
 а- X18N10T.  $S=80$  мм/дақ.,  $\Delta t=0,1$ ;  $\blacktriangle t=0,2$ мм;  $\times t=0,3$ мм;  $+t=0,4$ мм;  $\bullet t=0,5$ мм.  
 б- Пўлат 45X.  $S=80$  мм/дақ.,  $\Delta t=0,1$ ;  $\blacktriangle t=0,2$ мм;  $\times t=0,3$ мм;  $+t=0,4$ мм;  
 $\bullet t=0,5$ мм.


Ишлов берилган материаллар ва текширилаётган кесиш чуқурлиги учун виброакустик сигналнинг минимал даражаси кузатилди. Кесиш чуқурлигининг  $t$  ошиши билан, ўрганилаётган сигналларнинг тезлиги ортиб борувчи қийматларга қараб ҳаракатланади. 13-расмда ўрганилаётган материалларга қараб сигналларнинг амплитудасини минимал ҳолати кўрсатилган. Ушбу нуқталарда кесиш кучлари ҳам минимал даражага эга бўлган. 45X пўлат учун ғадир будурлик ҳам  $R_a$  параметри билан ўлчанди, натижалар 14-расмда келтирилган. Ғадир-будурлик минимал виброакустик даражагача камайиб боради, ортиб бораётган тезликлар билан озгина кўтарилади




13-расм.  $t$  ва  $V$  ўзгариши билан кесиш кучини минимал қийматлари ўзгариши графиги




14-расм. 45X пўлатга ишлов берилганда кесиш тезлиги ўзгариши билан юза тозалигини ўзгариши



15-расм. Ишлов бериш аниқлигини суриш тезлигига боғлиқлиги.  $L_1=100\text{мм}$ ;  $L_2=200\text{мм}$ ;  $V=200\text{м/дақ}$ ;  $t=0,1\text{мм}$ ; ●-X18H10T; ▲- Пўлат45X



16-расм. Ишлов бериш аниқлигини кесиш чуқурлигига боғлиқлиги.  $L_1=100\text{мм}$ ;  $L_2=200\text{мм}$ ;  $V=200\text{м/дақ}$ ;  $S=0,025\text{мм/айл}$ ; ●-X18H10T; ▲- Пўлат45X





17-расм. Ишлов бериш аниқлигини кесиш тезлигига боғлиқлиги.  $L_1=100\text{мм}$ ;  $L_2=200\text{мм}$ ;  $t=0,1\text{мм}$ ;  $S=0,025\text{мм/айл}$ ; ●- X18H10T; ▲- Пўлат45X;

15,16,17 расмлардаги графиклардан кўриниб турибдики, заготовканинг узунлиги ошиши билан хатонинг қиймати ошади, чунки бир хил диаметрларда унинг бикрлиги пасаяди. Шу билан бирга, материалнинг хусусиятлари олинган маҳсулотларнинг аниқлик хусусиятларида акс этади, чунки ишлов берилган пўлат учун юқоридаги графиклардан кўриниб турибди. X18H10Tга нисбатан пўлат45X нинг мустаҳкамлик хусусиятларининг ортиши кесиш кучларининг кўпайишига ва шу билан ишлов берилётган юзанинг деформацияси ва ишлов бериш хатоларининг ошишига олиб келади. Шунини таъкидлаш керакки, баъзи маромларнинг комбинацияси учун ишлов бериладиган сирт сифати жуда паст

эди ва хато  $\Delta$  дан катта қийматларни олди. Юзани сифати пастлиги детал юзасининг геометрик параметрларини аниқлаш тизимининг беқарор ишлаши билан изоҳланади ва бу ҳақиқий шароитда танланган кесиш маромларининг номукамаллигининг дастлабки белгиси бўлиб хизмат қилиши мумкин.


Кўриб чиқилган  $s, v, t$  параметрлардан суриш ишлов бериш хатосига энг катта таъсир кўрсатади.. Тизимнинг бундай реакциясини 2-бобдаги назария асосида тушунтириш мумкин ва бу деформацияланган материал хажми билан боғлиқ. Экспериментал қисмнинг натижаларидан умумий ишлов бериш хатосини  $s, v, t$  кесиш маромларини танлаш билан бошқариш мумкин деган хулосага келамиз. Мақбул кесиш маромларини танлашга дастгоҳнинг хусусиятлари ва заготовканинг ўзи сезиларли таъсир қилади. Технологик тизим бикрлигининг жуда пастлиги  $t$  кесиш чуқурлигининг ўзгаришига ва унинг барқарорлигини йўқотишига олиб келади. Заготовкаидаги бир жинсли бўлмаган кўйим ҳам, бикр бўлмаган технологик тизимнинг деформацияларида акс этади. Тоза йўнишда берилган жоизлик ҳисобга олиниши керак бўлган омилларни танлаш технологик дастгоҳнинг ҳолатига ва белгиланган кесиш маромларига боғлиқ. Ҳақиқий ишлаб чиқариш шароитида биз кесиш жараёнининг параметрларини ўзгартириб, маҳсулотнинг аниқлигини энг осон ва арзон нархларда назорат қила оламиз. Ишлаб чиқариш шароитида маълум бир технологик ускунанинг аниқлигини бошқариш таклиф қилинган биринчи усулга қараганда анча мураккаб ва қимматроқ жараёнدير. Иккала вариантни ҳам бирлаштирганда энг яхши аниқлик кўрсаткичларига эришамиз. Амалга оширилган тадқиқотлар ушбу ёндашувдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб беради ва якка, кичик серияли ишлаб чиқариш шароитида тоза йўниш учун кичик жоизликлар талаб қилинганда фақатгина ишлов бериш параметрларини меъёрлаш билан мумкин бўлган хатоларни қоплашнинг комбинацияланган усули кутилган самарани беради деган тахминни илгари суришга имкон беради.

Янги лойихаланган «Тебраниш» приборининг қўлланилиши: қурилма метал қириқиш дастгоҳларида деталларга кесиб ишлов беришда пайдо бўлаётган тебраниш қийматини аниқлаш ва кескични ишдан чиқиши ҳолатида сигнал бериш учун мўлжалланган. Техник характеристикаси: 100дан 400 кГц гача бўлган тебраниш сигналларини аниқлайди ва сигнал беради. Ўлчамлар 300x200x100 мм., оғирлиги 500 гр. Прибор дастгоҳнинг яқинига қўйилади тебраниш датчиги эса кескичга ёки кескич ушлагичга ўрнатилади Шу билан бирга датчикни тебранишнинг аниқ частотасига соланади. Дисплейнинг экранида тебранишлар катталигини диаграммаси фоиз кўринишида кўринади. Хар бир бузилиш ёки бузулишдан олдинги ҳолатда кескичнинг тебраниши кесиш маъромига қараб турлича бўлади. Шунинг учун диаграмма универсал қилиб лойихаланган. Созловчи бу чегарани хар бир дастгоҳ учун алоҳида қўяди.




18-расм. «Тебраниш» прибори блок схемаси

Деталларга юзаларни пластик деформациялаш(ЮПД) усули билан ишлов бериш жараёни энг кўп тарқалган ва самарали бўлган мустаҳкамлаш жараёнидир. Бироқ ЮПД билан ишлов бериш юзаларни парчинанишини ошиб кетиши эҳтимоллигини оширади. ЮПД ни самарадорлигини ошириш, юза қатламини сифатини аниқлигини таъминлаш учун бузмасдан назорат қилиш усулидан фойдаланиш керак. Шу билан бирга бу усул ишлаб чиқаришда осон қўлланилиши керак. Юзани сифати бўйича асосий катталиклар қаттиқлик НВ, пластик деформацияни тарқалиш чуқурлиги  $h$ , қолдиқ деформация  $h_1$ , юза гадири- будирлиги  $Rz$ .




19 расм. ЮПД усулида соққа билан ишлов беришда  $Rz$  катталигини аниқлаш учун контакт схемаси. К-юзани бошланғич даражаси; АВ-обкаткаланган юзани микронотекисликларини даражаси;  $R_1$ -обкаткаланган юза ботиклигини радиуси;  $h$ -соққанинг ботиш чуқурлиги;



20- расм. Автоматлашган тажриба қурилмасининг схемаси. 1-детал; 2-ишлов берувчи асбоб; 3-биринчи оптик датчик; 4-иккинчи оптик датчик; 5-аналогли сонли ўзгартиргич; 6-электрон ҳисоблаш машинаси.

ЮПД билан ишлов беришда асосий технологик параметр бўлиб ишлов берувчи элементни заготовка юзасига қисий кучи ҳисобланади. Қисий кучига юза ғадир-будурлиги боғлиқ бўлади. Бу куч хар бир ишлов бериш ҳолатига алоҳида мақбул катталиқка эга бўлиб бунда минимал ғадир будурликка эришилади.



21-расм. ЮПД билан ишлов беришда юзани ўлчам аниқлигини ва сифатини назорат қилиш алгоритми.

21 – расмдаги алгоритм бўйича тузилган дастур ёрдамида юзани сифати бўйича асосий катталиқлар қаттиқлик НВ, пластик деформацияни тарқалиш чуқурлиги h, қолдиқ деформация h<sub>1</sub>, юза ғадир-будурлиги Rz ларни назорат қиламиз. Ишлов берилаётган юзани ўлчам аниқлигини актив назорат қилиб яроқсиз маҳсулот чиқишини олдини оламиз .

## ХУЛОСА

“Кесиш ва пластик деформациялаш билан механик ишлов беришнинг аниқлигини ташхислаш ва назорат қилиш” мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Механик ишлов бериш жараёнининг сифат кўрсаткичлари аниқлаб берувчи механик ва пластик деформациялаш жараёнининг технологик кўрсаткичларини виброакустик сигнал ёрдамида ўрганиш асосида ишлов бериш жараёнининг сифат ва аниқлик кўрсаткичларини ташхис қилувчи усул ишлаб чиқилди. Бу ишлов бериш жараёнини ташхис қилиш учун хизмат қилади

2. Механик ишлов бериш жараёнида кескичларнинг ейилиши ва синишини башоратлаш имконини берувчи самарали кесиш қуввати қийматларининг ўзгариши асосида деталга ишлов бериш аниқлигини бошқариш дастури ва  $P_z$  кучини 15 % хатолиги билан аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Бу ишлов бериш хатолигини камайтириш учун хизмат қилади.

3. Кесувчи асбобга кетадиган сарф харажатларни камайтириш имконини берувчи кесувчи асбобнинг турғунлик даврини виброакустик сигнал ёрдамида юқори аниқликда топиш имконини берадиган усул яратилди. Бу турғунлик даврини ошириш учун хизмат қилади.

4. Ишлов беришда энергия самарадорлигини таъминлаш имконини яратувчи мақбул кесиш қуввати бўйича токарлик ишлов беришни бошқариш дастури ишлаб чиқилган. Бу энергия сарфини камайтириш учун хизмат қилади

5. Технологик тизимнинг хусусиятлари ва модел қийматларининг динамикасини аниқлаш алгоритми ва кесиш маъромларини танлаш усули ишлаб чиқилган. Бу мақбул кесиш маъромини танлаш учун хизмат қилади.

6. Юзаларга пластик деформациялаб ишлов беришдаги самарадорликни ошириш имконини берувчи пластик деформациялашда детални аниқлигини диагностика қилишнинг янги усули яратилган ва бошқариш дастури ишлаб чиқилган. Бу ишлов бериш самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади

7. Конструкцион материалларни механик ишлов берилувчанлигининг ва кесувчи асбобнинг ейилиш мезонларининг аниқлашнинг содда ва универсал усули ҳамда ўлчаш ускунаси яратилган. Бу универсал дастгоҳларда ишлов беришда самарадорликни ошириш имконини беради.

8. Кесувчи асбобни кесиш жараёни бошланишидаги ейилиши натижасида виброакустик сигнални амплитудасини вақт бўйича ўзгариши кесувчи асбобни механик ишлов бериш жараёнига мослашишига тўғри келиши аниқланган. Бу сигнални интенсив ўзгаришига қараб туриб кесувчи асбобни геометрик формаси ва ҳолати ўзгариш интенсивлиги тўғрисида хулоса чиқаришимиз мумкин ва бу машини деталларига механик ишлов бериш жараёнини бошқариш имкониятини беради.

9. Биринчи марта кескични ўтмаслашиш даражасини аниқловчи РДБ ва универсал дастгоҳларда қўлланилиши мумкин бўлган “тебраниш” приборининг

лойихаси ишлаб чиқилган. Бу кескичнинг алмаштирилиш вақтини башоратлаш имконини беради.

10.Тадқиқот натижалари Навоий кон-металлургия комбинати қошидаги Навоий машинасозлик заводи корхонасига жорий килинган ва ишлаб чиқариш унумдорлигини 1,4 мартагача оширган, ишлаб чиқаришдаги нуқсонли маҳсулот чиқиши 40-50% га камайган



**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.03/12.2019.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**УЛУГХОЖАЕВ РУЗИХУЖА СОЛИЕВИЧ**

**ДИАГНОСТИКА И КОНТРОЛЬ ТОЧНОСТИ МЕХАНИЧЕСКОЙ  
ОБРАБОТКИ РЕЗАНИЕМ И ПЛАСТИЧЕСКОЙ ДЕФОРМАЦИЕЙ**

**05.02.05 – Технологии и процессы механической и физико-технической обработки.  
Станки и инструменты**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1 PhD/12101

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице [www.ferpi.uz](http://www.ferpi.uz) на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:**

**Файзиматов Шухрат Нуманович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Кенжабоев Шукржон Шарипович**  
доктор технических наук, профессор

**Пулатов Тохир Рустамбекович**  
Доктор философии технических наук (PhD)

**Ведущая организация:**

**Навоийский государственный горный институт**

Защита диссертации состоится «5» ноября 2021 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании разового Научного совета на основе научного совета DSc.03/12.2019.T.03.04 при Ташкентском государственном техническом университете Узбекистана. (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871)246-06-00, факс: 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@edu.uz](mailto:tstu_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано за номером 224). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Автореферат диссертации разослан «19» октября 2021 года  
(реестр протокола рассылке №127 от 19 октября 2021 г.)

**К.А. Каримов**

Председатель разового научного совета  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

**Н.Д. Тураходжаев**

Ученый секретарь разового научного  
совета при научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.т.н., профессор

**А.А. Мухитдинов**

Председатель научного семинара при  
разовом научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

## Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Необходимость и актуальность диссертации.** В мире одной из важнейших задач для повышения качества машиностроительных деталей, повышения срока службы и точности изготовления а также обеспечения чистоты поверхности является управление технологией обработки деталей резанием и контроль процесса. Контроль и мониторинг технологии обработки на основе виброакустического сигнала при механической обработке деталей резанием является важной задачей. В этом направлении исследовательские центры в развитых странах, включая США, Великобританию, Германию, Россию, Японию и другие страны, уделяют особое внимание разработке технологий управления качества обрабатываемой поверхности на основе виброакустических сигналов.

В мире особое внимание уделяется разработке передовых технологий повышения точности обрабатываемых поверхностей при механической обработке деталей на металлорежущих станках. В то же время для современных высокопроизводительных станков с ЧПУ важно задавать режимы резания, оптимизировать технологический процесс и снижать погрешности обработки деталей, а также управлять ключевыми технологическими факторами является важной задачей.

В Узбекистане принимаются меры по модернизации оборудования, используемого на производстве, для продления срока его службы, обеспечения точности и качества деталей. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности, ставит задачу «... модернизации производства, технического и технологического обновления, ... в первую очередь, замены импортных комплектующих»<sup>1</sup>. Одной из важных задач при реализации этих задач является разработка технологий использования модернизированного оборудования, инструментов, обеспечивающих точность измерения деталей, увеличение срока службы. Данное диссертационное исследование в определенной степени призвано выполнять задачи, предусмотренные Указами Президента Республики Узбекистан от 26 мая 2017 года ПП-3012 «О программе мероприятий по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, энергоэффективности в экономике и социальной сфере на 2017-2021годы», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 27 апреля 2018 года №ПП - 3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей,

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

технологий и проектов», а также другими нормативно правовыми актами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики.** Это исследование реализуется в рамках приоритетного направления развития науки и технологии в Республика Узбекистана частью II «Энергетика, энергосбережение и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Ученые со всего мира провели исследования для повышения точности, контроля и диагностики обработки деталей. Российскими учеными, в частности профессору Б.С.Балакшину, удалось обеспечить точность размеров обрабатываемой поверхности за счет управления технологическими системами для обеспечения точности обработки деталей. Подураев В.Н., Аршанский М.М. разработали метод определения предела износа. В вопросах контроль и точности обработки

В.А. Остафьев, В.С. Антонюк разработали метод диагностики износа режущего инструмента с использованием виброакустических и индуктивных методов активного контроля. Узбекский ученый Н.А. Муминов в своей научной работе по повышению точности обработки деталей на станках, продолжил работу Б.С. Балакшина, К.Г. Махмудов и А.А. Мирзаев разработали методику управления процессом обработки деталей с помощью виброакустических сигналов.

Ведущие ученые в различных областях посвятили свои работы решения задачи оптимизации технологического процесса: Б.С. Балакшин, В.Ф. Безязичный, В.Ф. Бобров, С.Ф. Глебов, А. Д. Макаров, В. Я. Новожилов, В. Н. Подураев, С. С. Силина, Ю.М. Соломенцев, В. К. Старков, Н. В. Талантов, Г. Г. Иноземцева (Россия), Г.К. Горанский, В.Л. Заковоротный (Беларусь), Т. Н. Лоладзе (Грузия), В. А. Остафьев, В. С. Антонюк (Украина), Ф. Я. Якубов, К.Г. Махмудов, А.А. Мирзаев (Узбекистан), Liang, S.Y. (АКШ)Moriwaki, T. A Shinozuka, J(Япония) и другие.

